# "ЙЎЛОВЧИ" ТАДБИРИНИНГ ЎРНИНИ "ЮК" ОЛДИ



## РЕСПУБЛИКА ИИВ НАҚЛИЁТ МИЛИЦИЯСИ ИДОРАЛАРИ ВА БЎЛИНМАЛАРИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҲУЖУМНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

ЖАМОАТ тартибини ва фуқароларнинг хавфсизлигини, ғайриқонуний равишда қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддалари кириб келишининг олдини олиш, темир йўл ва ҳаво нақлиёти объектларида тегишли ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, йўловчиларни ташиш соҳасида камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг идоралари ва бўлинмалари хизмат кўрсатадиган ҳудудда "Йўловчи-94" деб номланган комплекс тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида анча кенг миқёсдаги вазифалар ҳал этилди. Бунда биринчи навбатда шоҳбекатларда, йўловчи ташийдиган, шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар йўлида йўловчилар ва мол-мулклар хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасига жиноятчи ва жамиятга зид бошқа унсурларнинг кириб келиши олдини олиш вазифаси асосий мақсад бўлди. Шунингдек қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, гиёҳвандлик моддалари ва тақиқланган бошқа нарсаларни ташиш, барча турдаги халқ истеъмоли молларини ижозат олмасдан сотиш ва олиб кетиш фактларини аниқлаш, олдини олиш, йўловчиларни поездларга чиқариш ва шоҳбекатларда тартиб-қоида ўрнатиш ҳам тадбир режасидан ўрин олган эди.

Ана шу вазифаларни ҳал этиш учун бошқарма барча хизматларининг ходимлари ва темир йўл ички ишлар бўлимларининг шахсий таркиби сафарбар қилинди. Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилган штаб тадбирда иштирок этган куч ва воситаларни назорат қилиб турди, уларга амалий ёрдам кўрсатди.

Тадбир давомида турли ҳуқуқбузишлар ва жиноятлари учун 5791 киши ушланди. Йўловчиларни ташиш борасида рўйхатга олинган 43 жиноятнинг ҳаммаси излар босилмасданоқ очилди. Жами тўрт килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва ташишнинг 23 факти аниқланди, қидирувда бўлган олти киши қўлга олинди.

Темир йўл нақлиёти орқали республикага турли жиноятчи унсурларнинг, шунингдек ҳужжатсиз 1014 кишининг кириб келишига уринишлари олди олинди.

Йўловчиларнинг шахсий ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш, темир йўлда жамоат тартибини сақлаш учун йўловчи ташийдиган ва шаҳар атрофига қатнайдиган поездларда милициянинг кучайтирилган нарядларидан фойдаланилди. Айни вақтда шоҳбекатлар ва тўхташ жойларини жамиятга зид унсурлардан тозалаш бўйича кечаю кундуз иш олиб борилди.

Тадбир давомида 203 нафар дайди тақсимлагич қабулхоналарга жойлаштирилди. 277 майда безори ушланди, 47 майда ўғирлик факти аниқланди. Жамоат жойларида маст ҳолатида юрганлиги ва спиртли ичимликлар истеъмол қилгани учун 1130 киши ушланди, улар маъмурий жавобгарликка тортилиб, 6 миллион 827 минг сўм-купон миқдорида жарима солинди. Шахсий мулкни ўғирлашнинг тўрт факти, икки талон-торож, битта безорилик факти очиб ташланди, еттита совуқ қурол мусодара қилинди.



Масалан, Самарқанд бекатида фуқаро Г. Жумабоева ариза билан мурожаат қилди. У шахсий буюмлари ва 200 минг сўм-купони бўлган сумкасини шоҳбекатда ўғирлатган экан. Кўрилган чоралар натижасида 1967 йилда туғилган, Самарқанд вилоятида яшовчи Ҳайдар Б. ушланди.

Тошкентдаги Шимолий бекат ички ишлар бўлимига фуқаро Ф. Нормуродова мурожаат қилиб, шоҳбекат перронида унинг 1380 сўмлик буюмлари ва 200 минг Россия рубли солинган сумкаси ўғирлангани ҳақида хабар қилди. Милиция ходимлари кўп ўтмай Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида яшовчи Акбар М.ни ана шу жиноятни содир этишда гумоҳ билан ушладилар. Ундан ўғирланган нарсалар мусодара этилди.

Андижондан Бухорога қатнайдиган 191-поезднинг 15-вагонида Фурқат-Қўқон оралиғида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида яшовчи Шавкат Ш. ушланди, ундан бир килограммдан ортиқ кўкнор моддаси топилди ва мусодара қилинди.

Қўнғирот шоҳбекатида душанбелик Олег Б. ушланди, унинг ёнидан 400 грамм афюн хом ашёси топилди ва мусодара қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда гиёҳфурушлар оғуни билдирмасдан олиб кетиш учун ғоятда турли-туман ҳийла-найранглардан фойдаланмоқдалар. Ташишда кўпинча аёллар ва вояга етмаганлардан фойдаланишмоқда. Халта-сумкалар ва кийимлар ичига яширишдан ташқари, улар оғуни баданларига ўраб ҳам олиб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар, бу ҳол, албатта, милиция ходимларини доимо сергак бўлишга, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши туриш учун барча воситалардан фойдаланишга мажбур этмоқда.

Ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилувчи темир йўл ва авиакассалари ходимларининг порахўрлиги ва таъмагирлигига барҳам бериш мақсадида ҳам собитқадам иш олиб борилди. Мана биргина характерли факт. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг кассири Зокира Т. Тошкент-Москва рейси билан учувчи 668-самолётга авиабилет сотишда фуқаро А. Алихоновдан қўшимча 25 минг Россия рублини ноқонуний равишда олган. Бу иш юзасидан тергов бормоқда.





Йўловчиларнинг хавфсизлиги кўп даражада давлат ёнғин назорат ходимларининг режали ва аниқ ишлашига боғлиқ. 91 объектда ёнғинни ўчириш техникаси қандай аҳволдалиги текшириб чиқилди. Бунда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишининг 62 факти аниқланди, 55 лавозимдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, уларга жами салкам бир миллион сўм-купонлик жарима солинди.

Тадбир давомида вояга етмаганлар ишлари бўйича назорият ходимлари ҳаракатдаги поездлар ойналарини синдириш, рельслар устига қаттиқ нарсалар қўйилиши, сигнализация ва алоқа воситалари синдирилишининг олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш борасида фаол иш олиб бордилар. Турли ҳуқуқбузарликлар учун ушбу назориятларга 547 ўсмир келтирилди, улардан еттитаси ойна синдирган эди.

Чунончи, Тошкент-Жалолобод йўналишида қатнайдиган 926-поезд Фарҳод — Шарқ бекатлари оралиғида кетаётганда Ширин шаҳридаги 2-мактабда ўқувчи — вояга етмаганлар С. Абдуғаффоров ва Д. Қурбонов ушланди. Поездга етказилган зарар учун уларнинг ота-оналарига жарима солинди.

Республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида халқ истеъмоли молларини четга олиб кетишнинг олдини олиш ишлари кучайтирилди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида республикадан ташқарига жами 10 миллион сўм-купонлик товар-моддий бойликларни олиб кетишнинг 54 факти олди олинди. Бу тадбирлар айниқса Ховос, Андижон, Бухоро бекатлари темир йўл ички ишлар бўлимларининг ходимлари томонидан фаол ва самарали ўтказилди.

Чунончи, Бухоро бекатида Қирғизистон Республикасига 550 килограмм пахта мойи, 100 бўлак кирсовун, 20 килограмм қора чой — жами 1850 минг сўм-купонлик молни олиб кетишга уринган Андижон вилоятилик етти киши ушланди.

Шу ернинг ўзида Когон шаҳрида яшовчи олти киши 1020 минг сўм-купонлик 340 килограмм пахта мойини Қирғизистонга олиб кетишга уринганлиги учун ушланди.

Йўловчи ташиладиган ва шаҳар атрофига қатнайдиган поездларни доимий равишда кузатиб бориш, темир йўл магистраллари бўйлаб бириктирилган участкаларга ишлов бериш, меҳнат жамоаларида сўзга чиқишлар, шунингдек якка тартибдаги суҳбатлар ҳуқуқбузишларнинг олдини олишда асосий йўналишлар бўлиб қолди.

"Йўловчи-94" тадбири умуман олганда темир йўл ва ҳаво нақлиёти объектларидаги тезкор вазиятни барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатди, бироқ у доимий назоратни тақозо этадиган мураккаб вазиятлигича қолмоқда. Республика нақлиёт йўлларида тегишли жамоат тартибини ўрнатиш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича иш давом этмоқда.

Газета ўз ўқувчиларини "Юк-94" тадбирининг бориши ва якунлари билан таништириб боради.

**А. СТЕПАНОВ**

**Суратларда: Андижон вилоятида яшовчи Р.Абдуқодиров Тошкентдаги Жанубий бекатда 140 гугурт қутисига жойланган наша билан қўлга тушди; мусодара қилинган оғу; Олтой ўлкасида яшовчи В. Вознесенский Андижон-Москва йўналишида қатнайдиган поездда экспертиза томонидан совуқ қурол деб эътироф этилган пичоқларни олиб кетаётгани учун ушланди; мусодара қилинган совуқ қурол.**

# ШОНЛИ АНЪАНАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Семинар-кенгашда Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги М. Бобоқулов, Тошкент шаҳар ИИББ ЖООБ жамоат ахлоқи соҳасида ҳуқуқбузишларнинг олдини олиш бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги С. Раупов, Самарқанд вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги У. Тўлаев, Мирзо Улуғбек номли Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтининг ректори Р. Холмуродов, Самарқанд шаҳридаги "Қўшбаққоллик" маҳалла қўмитаси раиси Ш. Умаров, "Маҳалла" фонди Самарқанд кенгашининг раиси А. Мелиевлар сўзга чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Ў. Жўраев ўз нутқида ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлигини оширишда жойларда ходимлар учун тегишли шарт-шароитни барпо этиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларда топширилган иш учун масъулият, ўз халқига садоқат ҳиссини тарбиялаш катта аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Сўзга чиққанлар фаолиятнинг турли йўналишларидаги ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгашнинг якунида жиноятларнинг олдини олиш борасида республика ички ишлар идоралари олдида турган вазифалар ишлаб чиқилди.

Кенгаш пировардида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Б. Парпиев ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларини таъкидлаб ўтди. Бу вазифалар: маҳалла қўмиталари ва аҳоли билан яқин алоқаларни мустаҳкамлаш, нохуш оилалар, тарбияси қийин ўсмирлар, ишламайдиган, илгари судланган, спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилувчилар, гиёҳвандлар, безори-тўполончилар билан ишлашда милиция участка вакили ва ВЕИНнинг ролини кучайтириш; патруль-пост хизмати ходимларининг участка вакиллари билан яқиндан тиғиз ҳамкорлиги; жамоат ахлоқи соҳасида ишлайдиган милиция ходимлари ишининг шакллари ва услубини такомиллаштириш; республика Олий Кенгашига ички ишлар идоралари тизимидаги шу янги тартибот фаолиятини тартибга солувчи, фоҳишабозлик, қўшмачилик учун, тери-таносил касалликлари, порнографик адабиётлар ва видеофильмларни тарқатганлик учун жиноий-маъмурий жавобгарликни кучайтирадиган қонунни ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш; ҳуқуқбузарларга қарши курашда милициянинг фаол ёрдамчилари — кўнгилли халқ дружиналари ва тезкор студент-ёшлар отрядларини ҳамма жойда тиклашдан иборатдир.

**З. ЗОҲИДОВ,**
**Ш. МУҲИДДИНОВ.**

# ҲАММАГА ДАХЛДОР

ОХУНБОБОЕВ тумани ИИБ Давлат автомобиль назорати бўлинмаси ходимлари жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларини белгиланган профилактик тадбирлар асосида олиб борганликлари туфайли шу йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда йўл-транспорт ҳодисалари сони 31, ҳалок бўлганлар сони 100, жароҳат олганлар сони 17 фоизга камайди.

Лекин йўл-транспорт ҳодисаларининг ва улар билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг сезиларли даражада камайганини қувонарли натижа дейишга ҳали эрта. Чунки ҳамон кўнгилсиз воқеалар рўй бериб турибди.

Бўлинмамиз ўтган давр мобайнида туман ҳудудидаги 45та мактабда йўл ҳаракати хавфсизлиги, содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унинг оқибатлари хусусида ўқувчилар билан 80 марта лекция ва суҳбатлар ўтказди. Шу билан бир қаторда қишлоқларда 16 марта учрашувлар ташкил этдик. Тумандаги ташкилот, хўжалик ва муассасаларнинг автогаражларида транспорт воситаларининг ишга чиқишидан аввал 40 марта текширувлар ўтказилди. Бу тадбирлар туфайли фаолиятимизда анча ижобий ўзгаришлар бўлди.

Бироқ, орамизда шундай диёнатсиз, калтафаҳм кишилар ҳам борки, улар ҳеч кимнинг гапини қулоққа илмайди. Мана шундай кимсаларнинг касрига айрим оилаларимиз жабр кўрмоқдалар. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

Шу йилнинг 7 апрель куни соат йигирма бирларда Олтиариқ томонга кетаётган номаълум транспорт Ойимча қишлоғи яқинида 1965 йилда туғилган Қобилжон Мақсудовни уриб юбориб, ҳодиса юз берган жойдан қочиб кетади. Туман ИИБ бўлими ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ўн икки соат ичида жиноятчи аниқланиб қўлга олинди. У Каримберди Султонов бўлиб чиқди.

Туманимиз вилоятдаги энг катта туманлардан ҳисобланади. Бироқ бўлинмамизда бор-йўғи беш нафар ходим, шундан икки нафари эса йўл-патруль хизмати инспектори бўлиб ишлайди, холос. Шундай бўлса-да, бор имкониятларни ишга солиб, ҳамқишлоқларимизнинг йўлларда бешикаст ҳаракат қилишларини таъминлаш чораларини кўряпмиз. Бунинг учун асосий эътиборни профилактик тадбирларни кучайтиришга қаратяпмиз. Ходимларимиз носоз транспортдан фойдаланаётган, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузиб, авария содир қилаётган, маст ҳолда автомобиль бошқараётганларни ўз вақтида аниқлаш, йўлнинг ҳаракат қисми доимо соз ва равон бўлиши, белгиларнинг талаб даражасида ўрнатилганлигини назорат қилиб бориш каби қатор зарур тадбирларни виждонан бажариб келяптилар.

Туманимиз Давлат автомобиль назорати ходимларининг олиб бораётган ишлари хусусида гапирсак, гап кўп. Лекин мен ушбу мақолани қуйидаги фикрлар билан тугатмоқчиман: йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш фақатгина милициянинг иши эмас, балки ҳар бир киши, ҳар бир йўл ҳаракати қатнашчиси ўзини унга даҳлдор деб билиши керак. Оқ йўл, сафарингиз бехатар бўлсин, азиз юртдошлар!

**Абдухалил МАМАЖОНОВ,**
**Охунбобоев тумани ИИБ ДАН бошлиғи, милиция майори.**



Бухоро вилояти ИИБ маълумот маркази ходимлари ҳар куни хизматга тааллуқли кўплаб хабарларни олиб, ишлаб чиққач, уни тегишли жойларга етказадилар. Маълумот марказида катта нозир, милиция катта лейтенанти Рашид Ғуломов 12 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. У ўзига юклатилган вазифани муваффақиятли бажариб, хизматдошларига ўрнак бўлмоқда.

**Суратда:** **Бухоро вилояти ИИБ маълумот маркази катта нозири, милиция катта лейтенанти Рашид Ғуломов олинган маълумотларни ҳисоблаш машинасига киритмоқда.**

**Е. ЗУЕВ олган сурат.**

## "ҲИСОБЛАШДИ"...

МЕЪЁРИДАН кўпроқ отиб қўйган, Тошкент шаҳридаги ташкилотлардан бирида раҳбар бўлиб ишловчи В. исмли кимса яна озгина оқидан олгиси келиб қолди. Уйига унча узоқ бўлмаган, пойтахтимиз марказидаги озиқ-овқат дўконига бели букилмаган 5 мингталик Россия рублини қисиб борди. Сотувчи бу пулга мол сотилмаслигини, фақат сўм-купон билан муомала қилинишини обдон тушунтирди. Харидор эса илтимос қилишини қўймади. Ҳатто, бу пулни олса асло зарар кўрмаслигини ҳам уқтириб кўрди. Қанчалик ҳаракат қилмасин, сотувчининг дилини тополмагач, хафа бўлиб уйига кетворди. Уйида кайфини суриб ётса кошкийди. Аксинча, ичган ароқлари миясига урди. Дилини хуфтон қилган ўша сотувчи билан бир гаплашиб қўймоқчи бўлиб яна йўлга тушди.

Энди дўконда бир соатлар олдин бўлиб ўтган суҳбатнинг иккинчи қисми бошланганди.

— Сен мени кўпчилик олдида ҳақорат қилдинг, — деди аразлаган харидор. — Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман кимлигимни, — костюмининг чўнтагидан газ тўппончасини чиқарди. Қурол номи билан қурол-да. Сотувчи эндигина гапирмоқчи бўлганида харидор унинг башарасига яхшилаб туширди-ю, жуфтакни ростлаб қолди.

Қўлида тўппонча билан хавфли одамнинг кўчадан чопиб кетаётганлиги ҳақида милицияга тезда хабар қилинди. Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси ходимларининг томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида безори қўлга олиниб, милиция бўлимига келтирилди.

Италияда ишлаб чиқарилган газ тўппончаси ўқланмаган экан. Акс ҳолда у кимларгадир зарар етказган бўларди.

## ОРАДАН ОЛТИ ОЙ ЎТИБ

ЎТГАН ЙИЛНИНГ 13 декабрь куни ярим тунда Тошкент тумани, Абдураҳмонов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи М. Салимованинг уйига номаълум кимсалар бостириб киришиб, хонадон соҳибасига тан жароҳати етказган ҳолда 3 миллион 170 минг сўм-купонлик бисотини олиб кетганлар.

Шу йилнинг май ойида ўтказилган "Қорадори" тадбири ушбу жиноятнинг очилишига сабаб бўлди. Тадбир давомида Келес шаҳридаги яшовчи О. М.нинг уйидан гиёҳвандлик моддалари топилиб, жиноий иш қўзғатилди. Тергов жараёнида эса М. Салимованинг уйидаги босқинчиликни айнан шу О. М. ўз ҳамтовоқлари билан содир этганлиги маълум бўлиб қолди.

1994 йилнинг 12 майида ушбу жиноий ишга якун ясаш учун Тошкент тумани прокуратураси қошида тергов гуруҳи тузилди ва унинг таркибига прокуратура терговчиси А. Сатторов, ИИБ тергов бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи М. Йўлдошев, ЖҚБ бўлим бошлиғи Қаюмов, участка вакиллари Абдуазимов ва Ҳакимовлар киритилди.

Буни қарангки, шу йилнинг 2 май куни фуқаро К. Асомовнинг енгил автомашинасини, Ф. Наримоновнинг 638000 сўм-купонлик бисотини ҳам улар ўғирлашган экан. Тергов давомида бу гуруҳ томонидан содир этилган яна икки жиноят ҳам очилди.

Тергов ишларига халал бермаслик учун жабрланувчи ва айбдорларнинг исм-шарифларини ўзгартириб бердик.

**Р. ТЎЛАГАНОВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ ходими, милиция катта сержанти.**

*Одамлар вабодан қўрқишади-ю, аммо ичкилик ундан ҳам бешбаттар.*

**БАЛЬЗАК.**

## УЧ ИНСОН - УЧ ҚУРБОН

Мадаминжон Абдуллаев. Одамлар бу оддий, заҳматкаш инсонни— юзлари офтоб тиғидан қорайиб қўллари кетмон дастасидан қадоқ бўлган, умри далада элни кийинтириш, ризқини яратиш ташвишида ўтаётган сувчини ёмонлар қўлидан сақлаб қола олмадилар. Уни ишлаётган жойида— Қўрғонтепа туманидаги "Қорасув" жамоа хўжалиги 1-бригада даласида ваҳшиёна ўлдирдилар.

Бу воқеага яқинда икки йил бўлади. Ўшанда ёзнинг ўртаси — июль ойининг 11-куни эди. 42 га кирган, олти фарзанднинг отаси Орифжон Абдураҳмонов Қобилжон исмли оғайниси билан битта ароқ олишиб, укасининг уйига "қуллуқ бўлсин"га келишади. Чунки ука — 28 ёшли Олимжон Юнусовнинг оиласида учинчи фарзанд туғилган эди. "Битта"ни уччови ичиб бўлишгач, Қобилжон узрини билдириб чиқиб кетади. Меъёрини унутган ака-укалар эса ароқ истаб "Грил-бар"га боришади. Икковлон яна бир шиша ароқни ичиб олишгач, такси тўхтатишиб фуқароларга шахсий уй солиш учун берилган жойларга елланма иш ахтариб боришади. Ака-ука тўғри уйларига қайтиб кетаверганларида олам гулистон эди. Бироқ бундай бўлмади.

Мастлар гандираклашиб 1-бригаданинг дала шийпонига борадилар. Шийпонда улар онасининг ўрнига ёш болаларга қараб ўтирган Ҳабибахон исмли ёш қизни кўрадилар. Шунда...

Яхшиси, қизнинг ўзидан эшита қолайлик:

— Тахминан соат 9 ларда онамнинг ўрнига вақтинчалик шийпонга келиб борча болаларига қараб тургандим. Соат 16 ларда "Шўро" кўчасида яшовчи Муҳаррам аянинг ўғиллари Олимжон ва Орифжон акалар маст ҳолда келишиб, "Шефинглар қани?" деб сўрашди. Уларга табелчи ҳам, бригадир ҳам йўқлигини айтдим. Важоҳатларини кўриб, мастлигидан қўрқиб бирон кор-ҳол бўлмасин дея шийпон ёнида бўлган сувчи Исмоил аканинг олдига бордим, тегажоқлик қилишаётганликларини айтдим. Кейин нарироқда "бўлган Мадаминжон аканинг олдига ёрдам сўраб бордим. Олим ака яна орқамдан борди. Шунда мен: "Сизга нима қилдим, орқамдан юрибсиз?" — дедим йиғлаб. Мадамин ака Олим акага қўлимдаги бола Қодирхон аканинг невараси эканлигини, агар бизга бирор гап бўлса яхши бўлмаслигини айтди. Улар гап билан бўлиб турганларида мен шийпонга қайтиб бориб болаларни олдим-да, оналари тарафга кетдим. Юз метрча масофага борганимда ваҳимали бақириқ овозини эшитдим.

Гувоҳ Ўткир Иброҳимов сўзи:

— Дала шийпони олдида, экинзор ичида уч одамни кўрганман. Улардан бири сувчи Мадамин ака эди. Ёнидагиси ёшроқ, мўйловли, қора футболка, чет эл ёзуви бор "Адидас" шалвари кийган одам эди, у Мадамин аканинг ёқасидан бўғиб, юзига ва чап биқинига урган. Орқа томонида турган баланд бўйли, басавлат, сочини чап томонга тараган ўрта ёшлардаги бошқа бир одам Мадамин аканинг бўйнига зарб билан урган. Кейин иккови Мадамин акани қўлтиғидан олишиб, тутқатор орқасига олиб ўтиб кетишган. У ёқ 2-бригаданинг маккажўхоризори эди...

Ичкилик гирдобига тушиб қолган бу икки ака-ука шу қадар ваҳшийлашиб кетган эдиларки, бегуноҳ бир инсоннинг қадр-қимматини, умрини поймол қилаётганликлари учун виждонлари олдида, Қонун олдида, яратганнинг олдида жавоб беришларига тўғри келишини буткул унутиб қўйдилар. Бундай туйғудан заррача асар ҳам йўқ эди аслида уларда. Марҳум Мадамин ака дастлабки калтаклардан кейиноқ йиқилиб қолган бўлишига қарамай, кўкрак қафаси, биқинлари, қорни — тўғри келган жойига улар икки кишилашиб уришдан, тепишдан тоймадилар. Калтаклардан, оғриқнинг зўридан беҳуш ҳолга келган ожиз танани маккажўхоризор ичида оқаётган ариқчага боши билан ташлаб қўядилар. Суд-тиббий текширувидан кейин маълум бўлишича, Мадаминжон ака жағ суяги сингандиги, тўққизта қовурғаси синиб, чап томондаги тўрт қовурға ўпкага санчилганлиги, жигари бир неча жойидан ёрилиб, ички аъзоларига қон қуйилганлиги ва бошқа оғир тан жароҳатлари боис воқеа жойининг ўзида вафот этган.

Бизни ўйга толдирган, ҳайратга солган нарса шуки, пок бир инсонни, умрида биров билан ёқалашмаган, беҳудага бировни сен демайдиган, далада пахтасини суғориб, жамият олдидаги бурчини ҳалол адо этиб юрган оддий бир инсонни ваҳшийларча ўлдирган ака-укалар тергов ва суд жараёнида ҳам қилмишларидан пушаймон бўлиш, афсус чекиш, марҳумнинг қайғуга ботган жабрдийдалари олдида кечирим сўраш ўрнига нуқул ёлғон кўргазмалар бериш, судни чалғитиш билан овора бўлдилар. Бироқ судда воқеа жойидан олинган излар, гувоҳларнинг кўргазмалари, бошқа рад этиб бўлмас даражадаги далилий ашёлар ёрдамида гуноҳга ботган ака-укаларнинг айблари тўлигича ўз исботини топди.

Пировардида туғишган ака-укалар — 42 ёшли Орифжон Абдураҳмонов билан 28 ёшли Олимжон Юнусов маст ҳолатда жамоат жойида 19 ёшли Ҳабибахон Йўлдошевага тегажоқлик қилиб, уни ҳақоратлаб, безориликларини тўхтатишганини қонуний талаб қилган Мадаминжон Абдуллаевни ўта раҳмсизлик билан ўлдирганликлари учун суд ҳукми ҳам ниҳоятда адолатли бўлди. Улар фавқулодда жазо чораси— ўлимга ҳукм қилинди.

**Маҳаммаджон АШУРОВ,**
**Қорасув шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

**Тоштемир АҲМЕДОВ,**
**Андижон вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори.**

## БАРБОД БЎЛГАН РЕЖА

Бу ўсмирни кўрган киши уни ҳеч ўғри деб ўйламайди. Бир қарашда беозоргина. Тоғни урса толқон қиладиган кучи бор. Аммо у ҳеч қаерда ишламайди. Ишлашни ҳам хоҳламайди.

Ўғирлик майда-чуйдадан бошланган. Аввалига уйида ота-онасининг, сал кейинроқ мактабдошларининг буюмларини "бир ёқлик" қилди. Сал қўли келиб қолгач, маҳаллани "тинчитадиган" одат чиқарди.

Аммо бу танлаган йўлининг охири войлигини сира ҳам хаёлига келтирмади, қилмишларидан сабоқ чиқариб олмади. Охирги ишини амалга ошириш учун узоқ вақт пухта тайёргарлик кўрди. Бир ярим ой аввал хонадон калитини ўғирлаб, пайт пойлаб юрди.

Фурсат етганда уйга кириб хорижда ишлаб чиқарилган магнитофон, овоз кучайтириш мосламаси ва 63 та аудиокассетани ўғирлаб, уй ертўласига бекитиб қўйди. Ўғирлик содир бўлганидан кўп фурсат ўтмай, уй эгаси милицияга ҳодиса тўғрисида хабар берди.

Акмал Икромов тумани Ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида жабрланувчининг моллари эгасига қайтарилди. Шу тариқа ўғрининг режаси барбод қилиниб, ўзи одил суд олдида жавоб берадиган бўлди.

**М. АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.**

*САҲИФАДА:*

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

## КИМГА АЧЧИҚ ҚИЛЯПСИЗ?

БУ ДУНЁДА ЯШАШНИНГ ўзи ҳам бахт эмасми? Шу бахтнинг яратган богинг ва ўзгаларга яхшилик қилганинг ҳисобига баҳоласанг-чи. Йўқса, оиланг, фарзандинг бахтию қувончи билан тенгласанг-чи.

Гоҳо ҳаётнинг оддий саволлари олдида ўзида сабот, ирода топа олмай гуноҳга қўл ураётган кишиларни кўрганингда чуқур ўйга толасан. Айниқса, ўн гулидан бир гули очилмаган қиз-ўсмирлар ўз жонларига қасд қилганда бу мудҳишликнинг балои қазоси не дея изтироблар исканжасида қоласан. Ҳаёт-чи, у боқийдир. Фурсатларнинг тутқич бермас лаҳзалари олдида ёшариб бораверади. У бандасига шафқат асрамайди. Ато этилган мурувватлар қулфига калит тополмаганлар эса ўзининг жисмонан ва ақлан ожиз эканлигини ошкор этаверади. Ҳудкушликка қўл урганларга жаноза буюрмайди. Бандаси бу нақлни умрининг шиори деб билиши керак.

Кейинги пайтларда арзимас сабаблар эвазига ўзини қурбон қилаётганлар учраётганидан дилинг гашланади. Бундайларга халқ ўзининг шўри, деб қўяди. Кўпинча оилавий жанжаллар сабаб майда икир-чикирларга дош беролмай ўз жонига қасд қилувчилар учрамоқда.

Қарши шаҳрида яшовчи А. Шарофат (унинг асли исм-шарифи ўзгартирилди) турмуш ўртоги Мардон Ш. билан жанжаллашиб қолади ва аччиқ устида 10 дона аналгин таблеткасини ичиб, заҳарланиб касалхонага тушади. Ёки Деҳқонобод туманида яшовчи 19 ёшли Р. Феруза онаси ўқишга рухсат бермаганлиги учун ўзини молхонага кириб осади. Бахтига ип узилиб кетиб бўйин қисмидан тан жароҳати олиб шифохонага тушади. Нима, ўқишга кирганларнинг пешонасида юлдуз борми? Биринчи галда она ўз қизини тинч ва бахтли кўришни истайди. Қандайдир олийгоҳ деб бўйнига сиртмоқ илиш шартми? Инсон ҳаётнинг китобини чуқур ўрганса ана унда ҳар қандай машаққатларга кўкрак очади. Ўткинчи бир дамлик орзу йўлида ўзини қурбон қилиш бу ҳудкушликдан бошқа нарса эмас.

Г. Зуфар экскаваторчи. Бинойидек касби бор. У маст ҳолда хотини Асия билан жанжаллашиб қолади. Кайф устида у қўл томирларини писка билан кесиб ташлаб, огир тан жароҳати олади ва касалхонага ётқизилади. Ароқнинг кайфи ҳаром деб шунга айтадиларда.

Яккабог шаҳрида яшовчи фуқаро Э. Дилором ўз уйида устидан спирт қуйиб ўзига ўт қўйиб юборади. Оқибатда унинг 40 фоиз танаси куйиб, шифохонага келтирилади.

Чироқчи туманидаги Додиқ қишлогида яшовчи, ўқитувчи Х. Файзулла шу йилнинг 4 май куни ўз жонига қасд қилди. Ҳамқишлоқларининг айтишича, унинг чўнтагидан чиққан қогозда турмуш ўртоги қизчасини тезлаб: "Менинг номусимга тегди", дея даъво қиласан, отангни қаматамиз, деган ёзувлар бор экан.

Одатда ўт балоси, сув балоси ва туҳмат балосидан асрасин дейилади исломда. Ўқитувчи номусга чидолмай ўзини осаётганлигини ёзиб қолдирган. Зеро, номус ўлимдан кучли. Аммо Файзулла ҳаёт зарбидан довдираб қолганда унинг ҳамкасблари, ёру биродарлари ёрдамга келиши керак эди. Оқсоқоллар-чи?

Қонун эртага ким оқу ким қора эканлигини аниқлайди.

Маст ҳолда ўзини ўзи пичоқлаганларга шафқат йўқ. З. Флюра маст ҳолда ўзини пичоқлаб касалхонага тушди. Бор-йўги 24 ёшда. Бундай ўз жонига қасд қилувчилар кундашунда учраб турибдики, шундан дилинг қаваради. Бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиш шартми? Нима учун инсонга ирода, сабот, матонат, жасорат ато этилган. Момоларимиз урушнинг огир кунларида кунжара, исмалоқ еб далада меҳнат қилганлигини, оталаримизнинг ботқоқ кечиб душманга ўт очиб, улар устидан ғалаба қозонганлигини унутмайлик. Улар турмушнинг ҳар қандай можароси, ташвишларига кўкрак керганлар, ҳаёт синовларига дош берганлар. Демакки, биз ҳали бир-биримизга меҳр улашишда ожизмиз. Зеро, тилда эмас, айтганларимиз дилдан бажарилса, инсоннинг доимо йўли ёругдир.

## ФИРИБГАРНИНГ ФИРИБИ

УНИ ДАФЪАТАН кўриб суҳбатлашсангиз, "жуда ёқимтой йигит эканда" деган гап хаёлингиздан ўтади. Энди 27 ёшга кирган йигитнинг олдин судлангани, ҳозир ҳам бекорчи эканлигини ҳеч хаёлингизга келтирмайсиз. Унинг гапларига учганларни балки худди ташқи кўриниши чалгитгандир.

Ҳасан Шамсиддинов ҳар қандай шароитда ҳам одамларни алдашдан ор қилмас эди. Ўтган йил октябрь ойида у жияни Акмални шаҳардаги юқумли касалликлар шифохонасида олиб ётди. У ердагиларга ўзини ишбилармон, танишлари кўп одам қилиб кўрсатди. Айниқса, шифохона ходимларининг пахта ёги тополмай қийналиб юришгани унга қўл келди.

У енг шимариб ишга киришди. Шифохонада меҳнат қилувчи Г. Азизовадан 35 минг сўм, Ф. Ахматовадан 11 минг сўм, Р. Маманазаровадан 40 минг сўм, Ж. Мустоновадан 36 минг сўм, Ш. Ҳасановадан 72 минг сўм, М. Мансуровадан 10 минг сўм ва яна бошқалардан ҳам энг камида 10 минг сўмдан йиғиб олди. Пул берганлар унинг "пахта ёғини килосини минг сўмдан топиб бераман" деганига учдилар. Лекин ёғдан ҳадеганда дарак бўлавермади.

Эртаси куни Ҳасан фуқаро Тўраевнинг ишончига кириб олишга эришди. Энди у ҳеч қаерда йўқ, ўзи топиб бермоқчи бўлган пахта ёғининг килосини 1500 сўмга чиқарди: Тўраев "бунча арзон экан" деб 141 минг сўм пулни унга қандай тутқазиб юборганини билмай қолди.

Орадан кўп ўтмай 1,5 минг сўмдан пахта ёғи олмоқчи бўлган Хўжамов 180 минг сўмдан, Бадалов 200 минг сўмдан шу тариқа ажралди.

Ҳасанбойнинг кайфияти чоғ эди. Ахир ёмонми 5-10 кун ичида одамларни лақиллатиб 775 минг сўмни боплаб ундирган бўлса.

Лекин ҳар қандай қинғир ишнинг ниҳояси бўлгандек, Ҳасан Шамсиддиновнинг фирибгарлиги очилмасдан қолмади. Яқинда шаҳар суди унинг фирибгарлик фаолиятини "муносиб баҳолаб" 5 йилга озодликдан маҳрум этди.

**З. ЭШОНҚУЛОВ,**
**Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғининг муовини, милиция майори.**

*"Қорадори-94" операцияси*

## ЎЛИМ ОҒУСИ

ҲАДЕМАЙ ПИШИҚЧИЛИК остонасига қадам қўйилади. Инсон куни-кеча эккан ниҳолини меҳр қўри билан парваришлаб, эртанги ҳосил умидида яшайди. Бу-ку яхши-я, аммо инсон умрининг заволи бўлган, қонунда тақиқланган ўсимликларни ўстиришни ҳуш кўрувчилар борлигидан дилинг ранжийди. Гиёҳванд ўсимликлар ана шундай зарарли ва соғлиқ душманидир. Афсуски, ҳинд нашаси, кўкнори каби ўсимликларни гулдан-да ортиқ парваришлаб мўмай пул илинжида жиноятга қўл урувчилар топилаётганлигидан муштинг тугилади. Ўтган йилда гектарлаб майдонларга ажал уругини сепиб, ўстирганлар топилди. Қанча-қанча майдондаги кўкноризорлар ўриб олиниб ёқиб юборилди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Бир нечта шахс гиёҳванд ўсимликларни ўстирганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Аммо бизнинг бонг уришимизга қарамай ҳамон бу заққумни ўстиришга уринаётганлар учраб турибди.

Чироқчи туманидаги Сувлиқ қишлогида яшовчи Тўра Худойбердиевнинг ҳовлисида 111 туп кўкнори ўстирилаётганлигидан милиция ходимлари огоҳ бўлдилар. Шу йилнинг 18 апрель куни у "меҳр" билан парваришлаётган кўкнорилар ўриб олиниб, ёқиб юборилди. Худо бандасига инсоф бермаса, у ҳар қандай жиноятга қўл уришдан тоймаскан.

Шу йилнинг 5 март куни Яккабог тумани ИИБ ходимлари "Турнабулоқ" жамоа хўжалигида яшовчи Ғ. Эрматовнинг уйида яшириб қўйилган 2 килограмм 424 грамм марихуана моддасини топиб олдилар. Айни кунда бу шахс устидан жиноий иш қўзғатилган. Шунингдек, фуқаролардан Б. Азимовнинг уйидан 208,4 грамм наркотик модда, Сайфулла Ғофуровнинг чўнтагидан эса 40 грамм қорадори олинди. Бундай райхатни яна давом эттиришимиз мумкин.

Хўш, айрим фуқароларнинг ўлим огусини ўстириш, сотиш ва истеъмол қилишдан мақсади нима? Албатта, биринчи ўринда ишламай катта миқдорда мўмай пул топиш, уларнинг кўзини кўр, қулогини кар қилиб қўйган. Гўё туйқусдан осмондан чалпак ёғиладию улар хонлардек хазинага ботадилар. Йўқ, улар адашадилар. Инсонга огу тутдингми, унинг улуши жиноий жавобгарлик билан тугайди.

Мана, "Қорадори-94" операцияси бошланди. Хилват жой, дала, ҳовли, томорқаларда ажал уругини кўкартираётганлар топилиши мумкин. Биз эса олдиндан бундай шахсларни огоҳлантирмоқчимиз, бугуннинг эртасини ўйланг. Тинч жонингизни нотинч қилманг. Дарҳол бундай ўсимликларни ўриб, ёқиб юборинг. Қўлга тушганда эса пушаймондан фойда йўқ.

**Б. НАФАСОВ,**
**вилоят ИИБ жиноят-қидирув катта тезкор вакили, милиция капитани.**



КАСБИ туманида автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Туман ИИБ ДАН ходимлари автомашиналарнинг техник ҳолатини, ҳайдовчиларнинг ҳужжатларини текширишда қатъий талабчанлик асосида иш олиб бормоқдалар.

Суратда: милиция катта лейтенанти Зокир Ҳасанов ҳайдовчи Ҳ. Каримовга тегишли автомашинани ва унинг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

**Б. ИСМОИЛОВ** олган сурат.

## ҚОЧИШ - НОМАРДНИНГ ИШИ

ҲАЁТ ТАСОДИФЛАРДАН иборат. Куни-кеча еру кўкка сиғмай юрган киши эртага дами чиққан пуфакдек тўзиб қолиши мумкин. Шу боисдан ҳам халқимиз: "Нонни катта тишласанг ҳам, катта гапирмагин", — деб бежиз айтмаган. Демоқчимизки, эртага бир кўнгилсиз иш қилиб қўйдингиз. Ўшанда ўзингизни қандай тута биласиз? Дейлик, автофалокат содир қилганингизда-чи? Эҳтиётсизлик туфайли бировнинг умрига зомин бўлган тақдирингиздан қочишни афзал кўрсангиз буни ким кечиради? Ҳеч бир ҳайдовчининг бошига бундай нохушлик соя ташламасин-у... Аммо айрим ҳайдовчилар бундай ҳолларда "қочиш — қутулишдир" қабилида иш тутишмоқда. Оқибатда жабрланувчилар ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлаётирлар.

Шу йил 12 март куни Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги "Новқат" дўкони рўпарасида фуқаро Валентина Шоховани номаълум автомашина уриб юборади ва қочишга улгуради. В. Шохова эса воқеа жойида бевақт ҳаётдан кўз юмади. Ўша куни ДАН ходимлари оёққа қалқиди. Тезкор гуруҳга вилоят ДАН бўлими бошлиги, милиция майори Суннат Шодмоновнинг ўзи раҳбарлик қилди. Воқеа содир бўлган жойда бурилиш ва ёритиш чироқларининг синиқлари тушиб қолган экан. У ашёвий далил сифатида олинди. Милиция катта лейтенанти Маҳмаражаб Қораевнинг хулосасига кўра, ушбу ашёлар чет элда ишлаб чиқарилган АУДО русумли машинага тегишли. Тезкор гуруҳ яна йўлга отланди. ДАН ҳисобида турадиган АУДО русумли автомашиналар бирма-бир текшириб чиқилди. Хайрият, тезкор ҳаракат ўз самарасини берди. Автофалокатни содир этган шахс Шайхали қўрғонининг "Ҳунарманд" ширкат хўжалиги раиси Қўзи Р. бўлиб чиқди. У машинасини яқинда сотиб олган, ҳали ДАН ҳисобига рўйхатга ўтказишга ҳам улгурмаган экан. Қўзи Р. бир инсон ҳаётига зомин бўлди. Бироқ унга ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан из яширишга улгурди. Гўёки, машинам ҳали янги, рўйхатда турмайди, яшириб улгуришим мумкин деган хомхаёлларга борган бўлсаям ажабмас. Лекин у номарднинг ишини қилди. Қўрқоқлиги ва худбинлиги уни шу кўйга солган десак адашмаймиз.

Қамаши — Пионерка йўлида шу йилнинг 14 март куни фуқаро Бахтиёр Кенжаевни номаълум автомашина уриб юбориб, воқеа жойидан қочганлиги ҳақидаги хабар ДАН ходимларини оёққа турғазди. Устигаустак шу куни Қарши шаҳрининг Насаф кўчасидаги 66-йўл-қурилиш идораси рўпарасида 11 ёшли Шуҳрат Қулаҳмедовни ҳам номаълум мотоцикль уриб юбориб, из яширганлиги ҳақида ташвишли хабар тушди. Вилоят ДАН алоҳида бўлинмаси сардори, милиция майори Ҳалим Жўраев бутун кучни иккала жиноятчиликка қаратди. Қочоқларни қайси машина урган, ким кўрган? Гувоҳлар фақат рангини айтишдан бошқага ўтмасди. Тезкор гуруҳ кенг миқёсда иш олиб борди. Катта муҳандис, милиция капитани Шавкат Узоқов тўпланган маълумотлар бўйича дарҳол Нишон туманига отланди. Гумондор Мусурмонқулов С.га тегишли "Москвич" русумли 3 4712 КФ белгили автомашина текширилганда, автофалокат излари кўзга чалинди. Ҳақиқатдан у шу куни фалокат содир этиб қочишга улгурган экан.

Шуҳрат Қулаҳмедовни уриб юбориб, тан жароҳати етказган шахс эса Қарши шаҳрида яшовчи, "Минск" русумли мотоцикл ҳайдовчиси Бахтиёр Й. бўлиб чиқди. Жиноятлар 15 март куни очилди.

Яна шуни эслатишни лозим топдикки, йўловчилар ўртасида ҳам йўл қоидаларини атай бузишга уринувчилар кўп. Йўлларда машина қатновларига эътибор берилмайди. Техниканинг эса тили йўқ. Яхшиси, ҳар ким ўзини эҳтиёт тутиши шарт.

**Р. ҚИЁСОВ,**
**Қашқадарё вилоят ДАН ходими, милиция катта лейтенанти.**

**Саҳифани вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция катта лейтенанти Ў. ҲАЙДАРОВ тайёрлаган.**

# «АВТОРИТЕТЛАР»

ҚАҲРАМОН АНЧА вақт ҳеч кимга қўшилмай ўзига ўхшаган ҳаромтомоқ, ҳеч нарсадан қайтмайдиган болаларни кўз остига олиб юрди. Бир куни у Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган “Дўстлик“ чойхонасида чой ичган киши бўлиб, ҳоли хонада ўн нафарга яқин улфат ошхўрлик қилаётганига кўзи тушди. Излаётган кишиларини шулар орасидан топишга ишонибми, чойхоначини чақирди-да, қўлига битта йигирма бешталикни тутқазар экан, ҳаммасига ароқ олиб хонада ошхўрлик қилиб ўтирганларга киритиб беришни тайинлади, қилган хизмати учун битта қизил ўнталикни эса чолнинг чўнтагига солиб қўйди. Чойхоначи Қаҳрамон тайинлаганидек қилди. Улфатлар ичида ўртани олиб бораётган ва ҳаммасига сўзини ўтказаётган тўлачадан келган йигит чойхоначига “Отахон, жудаям юрган йигит“ экансиз, қойилман, биз ҳам сизга ўхшаб юрайлик. Улфат кўрган йигит экансиз, бундоқ ўтиринг, биз билан юз грамм оласиз“, – деди. “Болаларим, сизларга ҳам раҳмат, аммо бу ароқларни мен эмас, анаву сўрида ўтирган йигит бериб юборди“, – деди чол. Улфатлар гурр этиб чол айтган томонга қарадилар, буни кутиб ўтирган Қаҳрамон қўлларини кўксига қўйиб уларга таъзим қилади. Нодир Асрорга қараб “Босс, бориб ўша йигитни хонамизга бошлаб кел-чи, кўринишидан “юрган“ йигитга ўхшайди“, – деди.

Салом-аликдан сўнг улар танишдилар.

– Асли тагим Чорсудан, – деди Қаҳрамон, – тақдир тақозоси билан вилоятга участка қуриб келиб қолганмиз.

– Чорсунинг қаеридан? – саволга тутди Нодир.

– Ҳозирги ГУМ дўкони бор-ку, шунинг ўрнида эди ҳовлимиз.

Худди йўқотган нарсасини топиб олгандек хурсандчилигини яширолмаган Нодир ўрнидан туриб кетди:

– Э, нимагадир боя кўзимга иссиқ кўрингандек бўлган эдингта, киндик қонимиз эски шаҳарда тўкилган дегин, – дедида қулочини очиб, Қаҳрамонни тўрга, ўзининг ёнига олди.

Кайфлари тароқ бўлганидан Асрор, Абдужалил ва Қаҳрамонлар қандай қилиб Нодирникига етиб келганларини билмай қолдилар. Шу куни Нодирнинг уйида ярим тунгача ўтиришди ва тўртовлон қўл ташлашиб, қуюқ хайрлашдилар. Эртаси куни Қаҳрамон чойхонага кириб келганида кеча ошхўрлик қилган хонада 12 та йигит унчалик тўкин бўлмаган дастурхон атрофида ўтиришарди. Май қуйилган пиёлалар бир неча марта давра айланди. Лагандаги ош еб бўлингач, ҳаммалари қуюқ хайрлашиб, Қаҳрамон, Нодир, Асрор, Равшан, Мирзоҳидлар қолиб бўлғуси ўғирлик ҳақида келишиб, режа тузиб олдилар.

Яна бир кун ўтиб тахминан соат ўн еттиларда Нодир ўз олдига қўйилган вазифани бажариш учун Тошкентнинг “Чорсу“ меҳмонхонаси олдидаги автомобиль қўйиш жойида туркманистонлик фуқаро А. Жумагелдиевга тегишли оқ рангдаги яп-янги ВАЗ машинасининг ойнасини синдириб, эшигини очиб ўтириб олгач, руль чамбарагини шиддат билан ўнг томонга силтаб қулфини синдирди. Ўт олдириш симларини чиқариб, моторни юргизди-да, кўздан ғойиб бўлди. Тезда Хондамир кўчасида истиқомат қилувчи Суннатиллоникига кириб келди. Автомобиль ичидаги Жумагелдиевга қарашли жомадон, шим, куртка, спорт костюми, уч дона ароқ, олти шиша пиво, ўн олти дона “Фанта“ ичимлиги, чет элда ишлаб чиқарилган кўзойнак, аёллар сумкаси, учта Японияда ишлаб чиқарилган рўмол, тўртта аёллар кўйлаги, юбкаси, туфлисини, “Весна-203“ магнитафонини ўзаро бўлишиб олишди. Суннатнинг номида бўлган ВАЗ автомобилига ўғирлаб келинган машинанинг зарур қисмларини ўрнатишди. Двигатель рақамини Қаҳрамон Горький автомобиль заводидан олиб келган рақам туширувчи мослама ёрдамида кўз илғамас даражада жуда усталик билан ўзгартирдилар. Сўнгра уни қонунийдек расмийлаштириб фуқаро Н. Илҳомовга сотиб юбордилар.

Жумагелдиевга тегишли автомашинанинг кераксиз қисмлари, кузов, двигатель блокни эса жиноят изларини йўқотиш мақсадида қирқиб ташладилар.

Режадаги ўғирлик хамирдан қил суғургандек амалга ошганлигидан руҳланган ўғрилар чойхонада берилган кўрсатма буйича бир неча кун аввал кўз остиларга олиб қўйган фуқаро А. Абдужамиловга тегишли ГАЗ-2410 русумдаги автомашинани Тошкент шаҳрининг Фаробий кўчасигача кузатиб келдилар. Ҳайдовчи машинани қулфлаб Тошкент Давлат дорилфунуни Шарқшунослик куллиётига кириб кетганидан сўнг Дилшод ўзи билан олиб келган калитлардан бирини танлаб машина эшигини очди. Жаҳонгир ва Дилшод машина ўтириб қочиб қолдилар.

Ҳар галдагидек Нодир чойхонада бамайлихотир ёнбошлаганча Қаҳрамон билан “пирра“ ўйнаб ўтирарди шу пайт улар икковининг кўзлари “Волга“га тушди. “Оббо шоввозлар-ей, худди Комилжондаги “Волга“нинг ўзидан олиб келибдилар-ку“ дея сапчиб ўринларидан турдилар. Комилжон яқиндагина фуқаро С. Мирғиёсовдан расмийлаштирмай арзонгаровга “Волга“ сотиб олган эди. Автомашинага ўтирган Нодир билан Қаҳрамон Жаҳонгир ва Дилшодга рухсат бериб ўзлари Иззатникига равона бўлдилар. Уерда Комилжон кутиб турарди. Ўғрилар учун бир машина эҳтиёт қисмларини иккинчисига олиб ўрнатиш, рақамларини ўзгартириш иш бўлмай қолганди. Қарабсизки, Комилнинг эски, чириб кетган “Волга“си икки кун ичида қўлинг ўргилсин янги машинага айланди-қолди.

Қаҳрамон билан Нодир ва унинг ҳамтовоқлари энди маҳаллада илгариги ҳаммага салом бериб юрадиган болалар эмас, ман-ман деган “авторитетлар“ эди. Энди бирор маърака, эрталабки ош ёки базмга борадиган бўлсалар, ёнларида “телохранитель“лари бўлар, уйнинг тўри, дастурхоннинг тўкини уларники эди. Ҳамтовоқлар “тирикчиликдан“ чарчаганларида дам олиш учун бойваччалар дам оладиган энг хушманзара жойларни танлардилар. “Қаҳрамоннинг чойхонаси“ довруғи вилоят ва шаҳарга танилиб, ўғирланган машиналар “возврат“ қилинадиган масканга айланган эди.

Улар ойналари қорайтирилган, ичида чет эл магнитофонидан тортиб, рангли телевизоргача бор машиналарда юрардилар.

16 октябрь куни Қаҳрамон, Нодир, Фурқатлар Катта ўзбек тракти шоҳкўчасидан ўтаётиб йўлнинг чекка қисмида қаровсиз ВАЗ-21061 русумдаги давлат рақамисиз “Жигули“га кўзлари тушади, ва бир-бирларига худди кийикни кўрган овчидек маъноли қарайдилар ва ишга киришадилар. Яқинроқ жойда “Волга“ни тўхтатиб Қаҳрамон билан Нодир у ёқ, бу ёққа қараб турдилар, Фурқат бўлса автомобиль ойнасини синдириб, ҳайдовчи ўриндиғига ўтирди. Машинани Чиноз томон ҳайдаб кетдилар. Қаҳрамон билан Нодир “Дўстлик“ чойхонасига борганларида уларни Фурқат “Жугули“ олдида кутиб ўтирар эди. Машинани зимдан кўздан кечирган Нодир “Ўҳ-о, овимиз чакки эмас-ку, қани дипломатни очиб кўр-чи, ичида нима бор экан?“ деди. Фурқат дипломатни очиб бирма-бир ичидаги нарсаларни машинанинг орқа ўриндиғига қўя бошлади. 17 минг сўм пул, “Палмал“ сигаретаси, “Сўғдиёна“ кичик корхонасининг расмий ҳужжатлари билан бирга чек дафтарчаси, пул тарқатиш қайдномалари, муҳр ва штампи, “Эврика“ ширкатининг муҳри ва штампи, автомобиль эгасининг ҳайдовчилик гувоҳномаси, юзга яқин ёзув ручкалари чиқди.

Автомобиль эгаси кўчага чиққанида автомашинаси йўқлигини кўриб, тили калимага келмай қолди. У ёқ, бу ёққа қараб машина кутиб турган йўловчиларга юзланди: “Мабодо рақамсиз оқ “Жигули“ қаёққа кетганини кўрмадингларми? – деб сўради. Бир бола кўтарган аёл “Ҳозиргина анаву ердан чийиллаб бурилиб Чиноз томонга қараб кетди. Нима, сизникимиди?“ – деди.

Таниш-билишларига маслаҳат қилган А. Мавлоновга уларнинг бири “Милицияга тез хабар бергин“, деса яна бири “Нима қиласан милицияга хабар бериб, улар то излаб топгунларича машинангни запчасть қилиб юборадилар, дерди. Яна бошқалари “Шуҳрат билан Қаҳрамонларнинг чойхоналарига бориб кўргин“ дейишди.

А.Мавлонов дўстлари айтганидек, аввал Шуҳратнинг сўнгра Қаҳрамоннинг чойхонасига борди. Қаҳрамон чойхонада экан. “Ака, мен таниш болларимдан суриштириб кўраман, агар олиб кетишган бўлса, гаплашаман, яна бир хабар оларсиз“ деди. А. Мавлонов чойхонага бир неча марта қатнади ва ойнинг охирларида бир нотаниш бола унга “Ака, атаганингизни ташлаб кетинг, кечқурун машинангиз Себзор даҳасининг дорихонаси олдида бўлади“ деди. Бу гапни анчадан бери зориқиб кутган А. Мавлонов дарров олдиндан тайёрлаб қўйган 5 минг сўмни болага узатди. Кечқурун кун ботар-ботмас А. Мавлонов айтилган жойга борганида автомашинаси айтилган жойда турарди. Юраги қинидан чиқиб кетгудек А. Мавлонов машинасига ўтирар экан у ёқ, бу ёғини титкилаб кўрди, у дипломати ичида қолдирган муҳр ва ҳужжатларни қидирар эди. Ҳозиргина севинч тўла кўзларини нафрат аломатлари эгаллади. Ҳеч нарса йўқ эди...

Бир куни Қаҳрамон билан Нодир Тошкент Отчопарига қараб йўл олдилар. Уларнинг 11-дўкон олдида қаровсиз турган, Тожикистон республикаси Ички ишлар вазирлиги хўжалик бошқармасига қарашли, ВАЗ-21063 русумидаги, давлат рақамисиз машинага ишқлари тушди. У Тошкент шаҳридаги омборхоналарнинг биридан олинган экан. Машинани тўппа-тўғри Иззатларникига ҳайдадилар.

Кейинроқ шаҳарнинг Байналмилал кўчасида тағин бир ГАЗ-24 машинасини ўғирлаб сотиб юбордилар.

Шу алфозда кўплаб автомашиналарни ўғирлаб рақамларини эски, яроқсиз ҳолга келиб қолган автомашиналар техник паспортига кўра ўзгартириб жарақ-жарақ пулга “тепиб“ юравердилар. Ниҳоят кўза кунида синди. Бунга бир “Волга“автомашинаси билан боғлиқ қотиллик сабаб бўлди.

Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи олдида турган микрофон тугмасини босар экан, бўлим бошлиғига тезлик билан унинг хонасига киришни тайинлади ва “Ходимлар ҳеч қаерга кетиб қолмасин, муҳим топшириқ бор“ деди.

– Кеча шаҳримизда тунда “Волга“ автомашинаси ҳайдовчиси ўлдирилганидан хабарингиз бўлса керак, – деди бошлиқ. – Мана шу иш бўйича тезлик билан ҳаракат қилмоқ зарур.

Жиноят қидирув бўлими ходимлари ўғирланган автомобилларнинг тури, чиқарилган йили, ранглари, шунингдек, бозорда сотилган автомобиллар, уларнинг нархлари билан шуғулландилар. Қанчадан-қанча шубҳали кишиларнинг шахси текширилди.

Орадан кўп ўтмай жиноятчилар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар бўлим бошлиғича аён бўлди. Тўпланган маълумотлар Тошкент шаҳар жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи етказилди.

Жиноят қидирув бошқармаси ходимлари ўғриларни ушлаш учун Зангиота туманига боришганида чойхонанинг алоҳида ажратилган хонасида етти кишидан иборат тўда “свара“ ўйнаб ўтиришарди. Беҳосдан кирган милиционерларни кўрган жиноятчилар қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмай қолдилар.

Дастлабки тергов жараёнида ҳали маълум бўлмаган далиллар юзага чиқа бошлади. Тез орада жиноятчилар гуруҳининг бошқа аъзолари ҳам қўлга олинди, биргина Нодир қочишга улгурди. Нодир яқиндагина ўғирлаб келинган ВАЗ-21063 русумдаги автомобилни анчадан бери ваъдалашиб қўйган самарқандлик дўстиникига олиб кетганди. Бундан бошқаларнинг хабари йўқ эди.

Ёмон хабар тез тарқайди деганларидек, Нодир Жиззахга етиб келганида бир танишидан ҳамтовоқлари қўлга олинганини эшитди. Ўша заҳоти ортига қайтиб Бирлик даҳасидаги бир танишининг янги қурилган уйига кириб яширинди.

Қайси бир жиноятчи сўроқ қилинмасин, калаванинг учи Нодирга бориб тақалар, бу эса қандай бўлса-да, уни тезда топиб келишни тақозо қиларди. Жиноят қидирув бўлинмаси навбатдаги йиғилишининг асосий мавзуси ҳам Нодирни излаб топиш эди. Жиноят қидирув гуруҳи ходимлари эрта тонгдан Нодир яшириниб ётган уйга пистирма қўйдилар ва жиноятчини ушладилар. Бир зум ўтмай Нодир ва унинг хомийси қўлларига кишан солинди.

Жиноятчилар ҳар қанча чалғитишга уринмасинлар, терговчи ашёвий далиллар билан уларни фош этар, тўғри жавоб беришга мажбур қиларди. Чорасиз қолган жиноятчилар бор гапни рўй-рост айтиб берардилар.

Айримлари ўзларини руҳий касал ҳам қилиб кўрсатдилар, аммо экспертиза хулосалари уларни соппа-соғ эканлигини тасдиқлади.

Тошкент шаҳар суди Нодир ва Қаҳрамон бошлиқ жиноятчи гуруҳ ишларини етти ой мобайнида кўриб чиқди. Уларнинг ҳаммаси узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Шундай қилиб, яна бир уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига барҳам берилди.

**И. РАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ходими, милиция майори.**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ҳурматли Саломат Ядгоровна **РАҲИМОВА!**

Тошкент шаҳар ИИББ, Юнусобод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби сизни таваллуд топган кунингиз ва қутлуғ ЭЛЛИК йиллик юбилейингиз билан чин қалбдан табриклайдилар.

Сизга боқий умр, инсон учун азиз бўлган сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, халқларимиз равнақи йўлидаги оғир, машаққатли ва шарафли хизматингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаётингизда хурсандчилик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

## ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН ЎҒРИ

ЎЗИНГДАН чиққан балога, қайга борай давога, деган нақл бежиз айтилмаганда. Ахир, бир танангизга ўйлаб кўринг, иш жойидан, бола-чақасини боқиб кун кўриш учун маош бераётган кўп йиллик қадрдон корхонасидан ўғрилик қилиш... Ҳар қалай, виждондан эмас-да.

Тошкент шаҳар ИИББ Яккасарой туман ички ишлар бўлими ва Қўриқлаш бошқармаси ходимлари Тўқимачилик комбинатида навбатдаги тадбирни ўтказишди. Мақсад ишдан чиқаётган ишчиларни назоратдан ўтказиш эди.

Назорат нимани кўрсатди: комбинатда анча-мунча ишлаб қўйган, яна кимсан-назоратчи У. Р. 52.900 сўм-купонлик 23 метр газламани ўмариб кетаётган экан. Оддий ишчи В. Г. 31.900 сўм-купонлик 12 метр, оператор В. С. умумий нархи 53.900 сўм-купонлик 31 метр газламани белчаларига ўраб, ломбиллаб жўнаётганида, далилий ашёлар билан ушланди.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: қачонгача биз орамизда қўли эгрилар борлигини кўра-била туриб “миқ“ этмай юраверамиз?

## ДЎСТИНГДАН ТОП

ТОШКЕНТ шаҳар ИИББга кўчада турган енгил машина ичида уч-тўрт киши жанжаллашаётгани ҳақида хабар тушди. Шошилинч чора-тадбир кўрилиб жанжалкашлар бўлимга келтирилди. Жанжалнинг сабаби катта экан. Улар шаҳардаги тижорат фирмаларидан бирининг муовини ёллаган жиноятчилар бўлиб чиқди. Ёлланганлар 1000 америка долларига бош директорни муовинга бўйсиндириб беришлари керак экан. Шу мақсадда муовин уларни ўз фирмасига бошлаб бориб бош директорни кўрсатган. Жиноятчилар бош директорни зўрлик билан олиб чиқиб машинага босишган. Йўлда директор ҳадеб қаршилик кўрсатавергач оёғига укол қилиб наркотик модда юборганлар. Ҳатто унинг кўзини ўйиб олмоқчи бўлганлар.

Эртаси куни бош директорга бу ишларнинг ташкилотчиси ўз муовини эканлиги айтилганда сира ишонмади. Чунки муовини ўзи олиб келган дўстларидан эди. Пул кўзини хиралаштирган одам дўстини тан олармиди.

**М. МАМАЖОНОВ.**

*Абдулла ИСМОИЛОВ*

# БУХОРОНИНГ АСИЛ ЙИГИТЛАРИ

## ҚИССА

Акбарга унинг қутиларга қараши ҳеч ёқмади. Негадир узоқ назар ташлагандек бўлиб туюлди.

Бир оз ўтгач, яна қаради.

— Нимага кўз узолмай қолдингиз? — чидай олмади Акбар. — Қутилар силжиб кетаётгандек бўлиб кўринди. Анаву энг четдагиси ағнамаса бўлгани, каллага тушса ғурра қилиш у ёқда турсин, ҳушдан кеткизади. — Қария ўрнидан турди, қутини ичкарироққа итариб қўйишга шайланди. Йигит илдамлик қилди.

Акбар бир неча секунд жим қолди, нима қилиш хусусида ўйлади, сўнг қутилардан бирини пастга олди, стол устига қўйиб, қопқоғини оча бошлади. У қутидан балиқ консервалари, ҳали пишиб етилмаган йирик олмалар, колбаса, яна қандайдир егулик нарсаларни ва бир шиша “Столичная“ароғини олди.

— Оламизми-а? Оз-оздан? — жонланди у. Яъни танишганимиз ва йўлга тушганимизни шарафлаб дегандек.

— Оз-оздан бўлса майли, — тезда рози бўлди “бобой“. Акбар вагон кузатувчисининг олдига бориб стакан олиб келгунча ўриндиқ тагидан ўзи олиб келган егулик нарсаларни, асосийси, нонларни олиб стол устига қўйди.

Юқори токчадаги йигитлар таклифдан бош тортдилар. Улардан бири шишага ғилай кўзлари билан қаради, елкаларини қисди ва сўз қотмасдан кифтини ияги остидан ўтказди. Сизни тушундим, дегандек илжайди.

Улар пастга қарамасдилар. Бири қорни билан ётиб, деразадан саҳрони кузатиб борарди, иккинчиси осмонга қараб ётиб, увадаси чиқиб кетган қандайдир китобни ўқирди. Бир-бирлари билан гаплашишмасди ҳам. Уришиб қолишган шекилли. Ё бир-биридан кўнгиллари қолган. Шунақаси ҳам бўлади. Жин урсин.

“Бобой“ билан отамлашиш кутилмаганда енгил ва оддийгина кечди. У чиндан ҳам оз-оздан ичар, лекин газакни ҳузур қилиб чайнарди, шу билан бирга эзмалик ҳам қилмас, кўп ичма, ўзингга тўлдириб қуйма деб, Акбарнинг жиғига тегмас эди. Ичгинг келяптими, баҳузур ичавер, кичкина эмассан. Суҳбат давомида Акбаралининг овози қаттиқроқ чиқа бошлаганидагина “бобой“ шляпасини бошига бостириб кийди, ароқ шишасини стол остига қўйди ва “ука“, бу машғулотимизни бир оз тўхтатсак, ахир биз икки соатлаб кавш қайтарадиган сигирлар эмасмиз-ку, деди. Акбар эътироз билдирмади. Стол устидаги нарсаларнинг ҳаммасини қутичага солди, уни эса токчага қўйди.

Аллақачон кеч бўлган эди. Ҳали тун тушмаган бўлмаса-да, қоронғулик ҳамма ёқни қоплаган. Лекин кўзга уйқу келмайди. Оҳиста суҳбатлашиб ўтириб қолишди.

“Бобой“ Акбарали Қосимовга нималар деганига бир қулоқ тутайлик-чи.

— Яшашни ўрган, ўғлим. Оладиган нафақамни унча-мунча одам ололмайди, озиқ-овқатни бутун оилага етадиган қилиб ундираман, хоҳлаган вақтимда кўнглим истаган жойга бораман — бунинг устига, текинга. Участкам бор, лекин дала ҳовли ҳозирча орзу, сотиб олишга озгина пул етмаяпти. Ҳечқиси йўқ, уни ҳам оламан. Қария, тижоратда олғир бўлиб кетганман, Москвага деярли текинга бораман ва ҳар хил нарсаларни олиб бораман. Бизда тийинга баҳоланадиган нарсалар у ерда сўм ҳисобида. Қанча олиб борсам ўзимнинг ишим — ҳеч ким тарозида тортиб кўрмайди, нима олиб бораётганим билан қизиқмайди. Қани, шундай қилиб кўрсин-чи. Нима қилишимни ўзим билардим.... Ҳа-а, Москвага серқуёш ўлкамиздан нарса олиб боради. Бозорда ўтириб, қутиларини санаш билан овора бўлади деб ўйлайсанми? Адашасан, азизим. Мени кутиб олишади. Олиб борган нарсаларимни шундоқлигича олишади, тийин турадиган нарса учун сўм ҳисобида фойда қиламан. Ўз молимни пуллаб дала ҳовлига ҳам, оддий “арава“ эмас, балки лимузин турадиган гаражга ҳам эга бўламан. Ҳасад қилаяпсан, сезаяпман. Лекин бекорга шундай қиласан. Аслида мен сенга ҳавас қилишим керак. Ёшсан, менинг ёшимга етганингда ҳаммасига эришасан ёки яқин орадаёқ ана шундай сафар қиладиган ва орзу қилган ҳамма нарсангга эришадиган бўласан. Орзу қилган ҳамма нарсага...

— Акбар кулимсиради, кўзларини узди. — Қариган пайтимда лимузину бошқа неъматларни бошимга ураманми? Менга улар ҳозир керак.

— Сен ҳозирдан ҳаракат қил. Ёш, соғломсан, аъзойи баданингдан куч-қувват ёғилиб турибди, ошиғинг олчи. Бунинг устига, ёшингга қараганда сурбетлигинг кўпроқ. Ҳамма жойдан, ҳар қандай чамадонлар билан суқилиб чиқа оласан.

— Бизларга йўл бўлсин. Сизларга ўхшаб савдогарчилик билан шуғулланмоқчи эдим — дарров ўз қутиларингиз билан суқилиб кирдингиз. Учтагина қутини зўрға эпладим, агар ўнта бўлганида нима қилардим?.. Сизники ўнтадан кам кўринмайди.

— Кам эмас, — ўзини айбдор ҳис қилгандек “бобой“ уф тортди.

— Курумсоқ одам экансиз.

— Курумсоқ эмасман. Ўзингга яқинда айтдим-ку, менинг юкимни вагонга олиб келиб беришади, манзилда ташиб ҳам беришади, ўзим қўлимни совуқ сувга урмайман. Ана шу сабабли катта ҳажмли юкларни ҳам олиб кета оламан. Ўзинг ўйлаб кўр. Нима олиб бораман? Масалан, помидор. Бир қутига қанча помидор жойланади. Ўттиз кило. Килосини бир сўмдан сотиб олдим, ўн сўмдан сотаман, қанча даромад қиламан? 270 сўм. Мисол учун...

— Ўнта қутига кўпайтирсак...

— Керак эмас. Мен мисол тариқасида айтаяпман. Кимдир мендан ҳам уддабурронроқ, кимдир юк олиб кетиш учун рухсатномага эга эмас.

— Мен бундан ҳам кўпроқ олиб бороламан, — унинг гапини бўлди Акбар. — Вагон кузатувчисига озгина чўзсам, ҳаммаси осонгина ҳал бўлади.

— Сенга ўхшаш абжирлар кузатувчининг олдига кириш учун кечадан бери навбатга ёзилишяпти, ким бор-йўқлигини йўқлама қилиб туришибди ҳам.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Ҳазил. Ҳеч қандай навбат йўқ. Ким кўпроқ узатса, ўшанинг ошиғи олчи. Айтмоқчиманки, мендан кўра ақллироқ бўлган киши помидор эмас, мисол учун, гул олиб боради. Қутига қанча лола сиғишини биласанми? Уларнинг ҳали тўлиқ очилиб улгурмаганини оласан, бизда улар ачиб ётибди. Москвага етказиб келиб, сув ичиб нафас олишига имкон яратиб берасан, улар барқ уриб очилиб кетади, натижада ҳар битта лоланг бамисоли ўн баробардан кўпроқ катталашади, нархи ҳам юз баробар ошади...

Улар тунда нималар тўғрисида суҳбатлашганларини ипидан игнасигача айтишга ҳожат йўқ, уларнинг суҳбати бундан кейин ҳам узоқ давом этди. Биз учун энг муҳими, гап мавзуси лолалардан бошқа молларга ўтди, гап айланиб ўз қозиғини топди...

Бошлиғимиз ана шу суҳбатлар ёрдамида Акбарали Қосимовдан нималарни билиб олишга мувофиқ бўлди? Аввало, унинг қутиларида одатдаги “бизнес“ учун ҳеч нарса йўқ, уларда кимлар учундир аталган совға-саломлар бор (қутилардан бири билан боғлиқ “сир“ни биламиз. Ҳатто қайси қути эканлигини ҳам яхши биламиз. Толиб Ҳайитович қайси қутига ҳамроҳи ўқтин-ўқтин қараб келаётганига эътибор берди), бунинг устига, Акбарали ҳали бирор марта ҳам Москвада бўлмаган, қаерда нима жойлашганлигини, қаерга қандай қилиб бориш кераклигини билмайди (демак, ана шундай “сирли“ юкни биринчи марта олиб бораяпти)... Албатта, Толиб Ҳайитовичда “мураббийлик“ туйғулари уйғонди, қўлга тушмасидан олдинроқ хавфли ўйинни йиғиштиришга ақли етсин учун уни қайта “тарбиялашга“ урина бошлади.

Акбар тўйиб ичиб олиб (эртаси куни, иккинчи шишани бўшатаётганида, бобой ичмаган эди) бобойнинг жиғига тега бошлади: кўп юк олиб боришингиз керак эмас, билишингизга қараб эмас, нимани уддалашингизга қараб ҳисоб-китоб қилишади, кутиб олишиб ҳаммасини олиб кетишади, сизда эса мўмай пул қолади. Ахир, сизни ҳеч ким тинтиб ўтирмайди, ўзингиз мақтандингиз-ку...

— Мўмай пулни қора кўзларинг учун тўлашмайди. Барибир таваккал қилишга тўғри келади, анчагина қалтис иш. Ахир ногаҳон... Тутишади.

— Минг имкониятдан бирида шундай бўлади. Хўш, ушлашди. Қутида бир нарса бор. Сиз эса унинг борлигини билмайсиз. Сизнинг қутингизни кимдир тасодифан алмаштириб қўйди. Ўзингиз қаранг, поездда бундай қутиларни санаб адоғига етиб бўлмайди, бунинг устига, ҳаммаси бир хил...

— Сизларнинг шундай “бобо“ларингиз йўқ. Москвага помидорларингизни олиб бораман, ҳам даромад, ҳам ҳузур-ҳаловат, қайтишда Москвадан апельсин олиб қайтаман, дейсан. Менга ўҳрайишинг, қалт-қалт титрашингга ҳожат йўқ, тутиб олишганида ёлғон сўзлаш керак эмас, ўзингнинг пок номингни булғама, ўз ҳаётингга зомин бўлма. Энг асосийси, ўғлим, пок виждон. Айтмоқчи бўлган гапларимни диққат билан эшит ва қаттиқ эслаб қол. Умрбод унутма.

Кўриб турибсан, одамлар ҳаддан ташқари куюшқондан чиқиб кетдилар, асримиз охирига келиб Оллоҳ ёки Худо ёхуд яна қандайдир илоҳий куч жазо тариқасида уларга учта жазо, учта касаллик: рак, СПИД ва гиёҳвандликни юборди. Уларнинг муштараклиги нимада-ю, ичида энг даҳшатлиси қайси бири? Муштараклиги шундаки, учовини ҳам даволаб бўлмайди, жалалаб тарқалади.

— СПИД жалалаб тарқаладими? Гиёҳвандлик ҳамми? — шубҳаланди Акбарали.

— Айни шундай тарқалади. Бунинг устига, ғоятда даҳшатли тарзда жалалайди. Зеро ракда ичаклар зарарланиб жалалайди, СПИД эса касалланган суюқоёқдан ёки, янада таассуфлиги, эркакдан жалалайди, гиёҳвандлик эса... Ҳатто у шоҳбекатлар ва поездлар бўйича урчийди. Мулоҳаза юритишимга халақит берма. Эшитиб, қулоғингга қуйиб ол. Ракми?.. Унга дучор бўлиб азоб-укубатда ўлиб кетишга кўп беморларнинг ўзлари сабабчидир: кимдир ароққа ружу қўйиб, жигарини ишдан чиқарган, яна бири ўпкасини никотин билан заҳарлаган. Ўзини ўзи жазолаган, аҳмоқлиги ва мазахўраклиги учун ғоятда қиммат баҳода ҳақ тўлаган. Суюқоёқлик ва молфаҳмлилик СПИДга олиб келади, лекин газетада ёзишларича, шприцлар орқали болаларга ана шу маразлик юқтирилган ҳоллар мавжуд. Ўйлаганим сари юрагим қонга тўлади: ялпи қирғин қуролларининг янги-янги, “янада такомиллаштирилган“ турларини яратиш ҳамда синаб кўриш учун инсоният саноғи йўқ маблағлар сарфлайди, СПИДни тадқиқ қилиш, бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқариш учун эса пул йўқ. Курумсоқликни қара... Учинчи жазо — гиёҳвандлик энг даҳшатли кулфатдир. Нимага шундай? Яхшилаб миянгга қуйиб ол. Унга дучор бўлган, қорадори топа олмай аъзойи баданнинг зирқирашидан ўзини ҳеч қаерга сиғдиролмаган одам муқаррар жиноятчи, яъни ўғри ёки бандит бўлади. Қорадорисиз кун кўра олмайди, у эса арзон эмас, отанг академик бўлса ҳам шунча пулни тополмайсан. Гиёҳвандликка дучор бўлган киши миясида фақат бир фикр бўлади: қаердан топиш мумкин? У ёш нобуд бўлади, бунинг устига, касалхона ўриндиғида ўлмайди, ўзини ўзи ўлимга маҳкум этади.

Бир-икки марта наша чеккан ёки “игнадан баҳраманд бўлган“ одам аъзойи баданнинг дастлабки қақшашидаёқ соб бўлади. У кайф қилган дақиқадагина бахтиёр бўлади, бу дақиқалар, соатлар, кунларга — ўша телба бўлиш дақиқасида — қумга сингтандек бирикиб кетади, аъзойи бадан қақшайди, ҳар бир бўғим ва ҳар бир мушакни чидаб бўлмайдиган оғриқ қоплаб олади, томирингга игна ботирмагунингча ёки... яшаб турган кўп қаватли уйинг балкони тагидаги ерга бошингни тақ этиб урмагунингча бу оғриқ тўхтамайди. Лекин бу ишнинг фақат бир томони. Бошқа бир томони ҳам бор: илк маротаба героин ёки марихуанани эсон-омон олиб борган одам уни қайта-қайта олиб боришга маҳкум бўлади, чунки уни сотиб олишган. Катта пулга, қўрқитиш эвазига... Бир маротаба кўп миқдорда пул ишлаб ва уни ҳузур-ҳаловати йўлида сарфлаган афюнфурушнинг икки ҳисса кўп пул ишлаш ва ундан лаззат топиш учун иккинчи доирага ўтмасдан иложи йўқ, энди у талабалик даврига қайтишга ва озгина қаноат қилиб яшашга қодир эмас... Сен талаба бўлганмисан, Акбар?

— Нима учун... бўлганман? Мен талабаман...

Тамом, манзилга етиб келишди.

Акбарали Қосимов панд-насиҳатларга қулоқ солмади. Қиссадан ҳисса қилинган сўзларни эшитмади. Этагини йиғиштирмади...

***

Поездда юқоридаги токчалардан умуман тушмаган йигитлардан бири Қосимовни бошлиқ хонасига бошлаб кирди, “бобой“ подполковник погонлари тақилган милиция кийимида эди.

— Кетишингиз мумкин, сержант, — деди у соқчига.

— Эшитаман. — У шаҳдам қадамлар билан орқасига бурилиб хонадан чиқиб кетди.

Подполковник Қосимовга ўтиришни таклиф қилмади, ҳатто унга тикилиб қарамади ҳам. У фотосуратларни кўздан кечирарди. Самарқанд... Бухоро... Москва. Қосимов қутини олаётган пайт жуда аниқ чиққан эди. Кейинги суратда у кетаётган йигитнинг орқасидан таажжуб билан қараб турибди: қаерга шошяпсан? Нима учун эвазига бошқа қутини олмадинг? Жуфтакни ростлаётган киши орқа томонидан олинган, юзи кўринмайди, лекин бошлиқ яхши биладиган кишиларнинг юзлари жуда равшан муҳрланган. Мана, якуний палла лаҳзалари. Қосимовнинг қутиси алмаштирилиб қўйиляпти. Моҳирона бажарилган, тан олиш керак. Лекин сурат ҳам усталик билан олинган, абжирликка тасанно айтиш лозим. Яна бир сурат: у машинада, орқа ўриндиқда ўтирибди, “сирли“ қутини юкхонага қўйишда кўнгли чопмаган, тиззасида ушлаб ўтирибди, нима учундир ўгирилган. Оғайнисига қарадими? Хўш, кайфиятинг қалай демоқчими? Машинага икки киши икки томондан яқинлашди. Буни суратга олмаса ҳам бўларди, лекин сураткаш ўзини тутиб тура олмаган, машина эшикларини очиб бир вақтнинг ўзида қутига қўл узатиш пайти жуда томошабоп. Тамом, вассалом...

Қосимовни ушлаш чоғида суратга олишмади, унинг ёнига аста келиб оддийгина қилиб: қалтирама, овозингни чиқарма, машинага юр-чи, сени ҳув ана бу ерда “бобой“ кутиб қолди, дейишди...

Ҳайитов суратларни бир четга тахлаб қўйди, фақат шундагина ушланган йигитга разм солди.

— Ўтиринг, Қосимов, — деди астагина. — Манаву стулга ўтиринг.

Йигит букчайиб ўтирди, қўл панжаларини қаттиқ қисди.

— Айтингчи, Қосимов учинчи қутида нима олиб кетаётганингизни билардингизми?

— Билардим. — У аллақачон терговчининг ана шундай саволига жавоб берган ва бу жавоби ёзиб олинган, бинобарин рад этишдан маъно йўқ.

— Йўқ, билмагансиз... Ўша қутида нима борлигини кўрганмисиз? Целлофан халтага солинган, сўнгра қандайдир жинси латта-путталар билан ўралган эди. Кўрганмисиз? Қўлингизда ушлаб кўрганмисиз?

— Биламан, гиёҳвандлик моддаси. Героин, марихуана, кокаин, кўкнор... Қорадори, хуллас калом. Қанчалигини билмайман.

— Бақирма. Астароқ гапир, — кутилмаганда бошлиқ сенсирашга ўтди.

— Мен қутини олиб боришим керак эди, вассалом. “Пирра“да катта пул ютқаздим ва шунинг учун...

— Бунга қара, — унинг гапини бўлди подполковник. Қандайдир кулранг-яшил тузли моддадан одатдаги ошқошиққа солди.

Уч-тўрт қошиқ чиқадиган брикет.

— Яқинроқ келишинг мумкин. Диққат билан қара. Эслаб қол. Бу ерда уч килограмм 634 грамм қорадори бор. Бу афюннинг бир грамми Москвада шунчалик баланд нархдаки, отанг бир йил давомида қилган ҳалол меҳнати учун ҳам шунчалик пул ололмайди, ўзингнинг йигирма икки йиллик умринг давомида ана ўшанча пул ишлаб топмагансан. Шерикларинг билан уни харид қилиш, ташиш, сотишдан қанча мўмай даромад олмоқчи бўлганингизни терговчи ҳисобламоқда. Ана шу яшил кесак қанчалаб кишиларнинг умрига зомин бўлганини, тақдирини ёмон томонга ўзгартирганини ким ҳисоблаб чиқади? Айтиш жоиз, сенинг тақдирингдаги, умрингдаги ролини-чи?

— Лекин мен ҳеч қачон ундан тотиб кўрмаганман... Тотмайман ҳам...

— Бақирма. Мен бу ҳақда гапирмаяпман. Сен чекмайсан, томирингга игна санчмайсан, сўрмайсан. Сени бошқа нарса кутади. Қамоқхонада ўтадиган йиллар кутади. Йил-лар, Қосимов. Кўп нарсалар ҳақида ўйлаш, шунгача ўтган бутун ҳаётингни чуқур мушоҳида қилишинг учун етадиган вақтга эга бўласан. Шундай, йигит. Ўша қутида нима борлигини билган эдим, дейсанми? Йўқ, билмагансан. Энди биласан.

Ана шу сўзлардан сўнг подполковник сизлашга ўтди ва терговдаги йигитга энди бошқача тусда — қатъий оҳангда, аниқ саволлар бера бошлади.

***

Бухорога сафарим ҳам охирлаб қолди.

Энди уйга қайтишим керак.

Толиб Ҳайитович билан хайрлашаман.

Биз ҳовлига чиқдик. Тўтилар солинган қафасларнинг олдига келдик.

— Болаликдан ер жозибаси мени ўзига тортарди, — маъюсланиб гапирди Толиб Ҳайитович. — Ота-онам улғайганимда агроном ёки зоотехник бўлиб етишишимни орзу қилишарди: болалигимда уззу кун боғда, полизда бўлардим, уйда ҳам гул парваришлардим, қафасда қуш боқардим... Ҳаёт эса бутунлай бошқача бўлди.

— Ачинаяпсизми?..

— Ўтган умрни тузатиб бўлмайди. Ҳаётнинг баҳоси... Сен томонингдан ўтказилган дарахт кимгадир соя беради, мевасидан баҳраманд қилади, ана шу дарахтни ким ўстирган эди деб бирорта одам эслармикин ёки шунчаки хаёлига келармикин? Айтиш мушкул. Майли, ачиниш керак эмас. Мен ҳозирча ишлаяпман, яна анча-мунча йил учун етадиган куч-қувватим бор. Ҳар ҳолда кўп иш қилинди, яна нималаргадир улгурарман... Қандай ишладим? Иш оғир кечганда ҳеч ҳам ўйланиб ўтирмай одамларни ортимдан эргаштирдим, ҳаётимни хавф остида қолдириб, улар билан бирга бордим. Жиноятчиларни қуролсизлантирдик, қўл-оёғини боғладик, кейин у суд қилинди ва кўп йиллар ҳаётимиздан ғойиб бўлди.

**(Давоми бор).**

**(Давоми. Боши 45-46, 49-50, 53-54, 57-58 сонларида).**

## 1994 йил — Оила йили

# НАМАНГАН ГУЛЛАРИ НЕГА ИФОРСИЗ?

НАМАНГАН — гуллар шаҳри. Бу шаҳарнинг анвойи гулларига, улардан тараладиган ифор-ҳидларига таъриф йўқ.

Бу ердаги гулдек гўзал ва нафис, қошлари ўсмали, қўллари хиноли қиз-келинларнинг юзларидан нур томиб, оқ ҳарир рўмол-ёпинчиқлари остидан ҳуркак кийикдек қиё боқишларини кўриб, олам-олам завқ оламан ва шу гўзаллардан бирини келин қилишни орзу қиламан...

Шаҳар ҳақиқатда ҳам гул остида қолгандек. Ўша-ўша оқ ёпинчиққа ўралган аёллар, қиз, келинлар. Лекин нима учундир қизларнинг чеҳралари рангпар, кўзлари маъюс, келинлар касалманд, юзлари зафарон. Нима учун?

Қўлимда Наманган тумани ҳокимлигининг "Учқун" деб номланувчи газетасининг 1994 йил 22 февраль сони. "Аёлларни асранг, одамлар!" дея чақиради газета мутасаддилари. "Қизларни эрта турмушга берманг, — дея жон куйдиради туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Р. Пўлатов, — ўтган икки йилда 45 қиз вояга етмай узатилган. Никоҳ ёшига етмай туриб оила кўрган ва фарзандлик бўлган аёлларнинг асосий қисми Ирвадон, Ғирвон, Миришкор, Тепақўрғон, Охунбобоев, Ўзбекистон, Шўрқишлоқ, Қумқўрғон қишлоқларига тўғри келади".

Вояга етмаган қизларни давлат фуқаролик ҳолатларини рўйхатга олиш идоралари (ЗАГС) рўйхатдан ўтказмасликлари табиий. Лекин дин пешволари, муллаларнинг ота-оналар раъйига қараб, диний никоҳ ўқишлари билан икки ёшнинг тақдири ҳал бўлади — биргаликдаги оилавий ҳаётлари бошланади. Тасаввур қилинг, ўзингизнинг ҳам ҳали она сути оғзидан кетмаган, вояга етмаган 14, 15, 16 ёшли қизингиз бўлса, шу қизалоқни етти ёт бегона оилага келин қилиб берсангиз, у борган жойининг уй-рўзғор юмушларини қилиб, қайнота-қайнона, эр ва уларнинг ука-сингиллари кўнглини олиб, кир ювиб, нон ёпиб, уй тозалаб — бир сўз билан айтганда, турмушнинг "мушт"ларига чидаб кета оладими?!

1993 йилнинг сентябрь ойида Қумқўрғон қишлоғида яшовчи О. Одилов 15 ёшли қизини турмушга берган. Бу ҳақда хабардор этилган туман прокуратураси ота ва куёвга қарши жиноий иш қўзғаб, уларни қонун бўйича жиноий жавобгарликка тортганлар. Ёки Ирвадон қишлоғида яшовчи А. Дадабоев вояга етмаган Мастура номли қизини С. Мўйдинов деган йигитга турмушга берган. Бу ҳолда ҳам қонуний чоралар кўрилиб, қонунни бузганлар жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Бундан нима ўзгарди? Балоғатга етмай узатилган қиз ота уйига қайтиб келадими? Жиноий жавобгарликка тортилган куёв яна қайта шу қиз билан яшаб кетадими? Қонуний берилган жазодан ташқари маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг таъна-дашномлари-чи? Қизни узатаётган ота, унга уйланаётган йигит олдиндан қонунга хилоф иш қилаётганларини билмаганмикинлар, огоҳлантирилганмикинлар? Маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла участка вакиллари қаерда эди то ғишт қолипдан кўчгунча?!

"Бу — ҳамма учун тааллуқли", — дея номлабди Наманган туман судининг раиси А. Қозоқов ўзининг ташвишли мақоласини. Мақолада келтирилишича, 8-синфни битирган ёки битириш арафасида бўлган қизларни турмушга чиқариш тобора оддий ҳолга айланиб бормоқда. Натижада арзир-арзимас сабаблар билан оиланинг бузилиш ҳоллари юз бермоқда. Оила бузилишининг асосий сабаби ўрганилганда турмушга чиққан қизларнинг, эрта уйланган йигитларнинг ёшлиги туфайли оила юритишни билмаслиги, оиладек муқаддас нарсага шунчаки қизиқ бир нарса сифатида қараётганликлари яққол кўриниб турибди. Энг асосийси эса, вояга етмаган қизларнинг уй тутишни, қайнона-қайнота, эр билан муомала қилишни билмаслиги, янада ачинарли ва даҳшатлиси, ҳали она сути оғзидан кетмаган қизларнинг она бўлиш даврида кўп қон йўқотиши жисмоний майиб, касалманд бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўтган йили вояга етмаган 14 та "она"дан 14 та ногирон болалар дунёга келган. Наманган тумани бўйича ўтган йили 111 та ёш оиладан ажралиш ҳақида судга ариза тушган. Шуларнинг ҳаммаси ажрашиб кетмагандир, дерсиз? Улар то судга ариза кўтариб боргунча маънан ажрашиб бўлишмаганми? Йигитлар-ку эрта-индин яна битта соғлом ва чиройлироқ қизга уйланиб, ўз кўнглини ҳушлаб кетар. Ҳали турмуш нималигини билмай туриб, қўлида ногирон гўдаги билан ота уйига мунғайиб келган касалманд қизнинг, ота меҳри нималигини билмаган тирик етим гўдакларнинг ҳоли нима кечади?! Уларнинг яримта кўнглига қайси мард малҳам бўлади? Кўз ёшларига қарамай, елкаларидаги тирик "юк"дан тезроқ қутилиш пайига тушган ота-она, акаларими ё гулдек нозик-ниҳол қизни тўй қилиб, никоҳга олган, касалманд ҳолда, қўлида мижғов боласи билан ота уйига элтиб қўйган номард эрми?

"Қиз бола йигирма ёшдан кейин анатомик ва физиологик жиҳатдан етилади. Қиз болани балоғатга етмай туриб узатиш фарзандсизлик, ҳомиланинг нотўғри ривожланиши, боланинг чала ва мажруҳ туғилиши, туғишнинг қийин кечиб, 30-40 фоиз оғир асорат қолишига, яъни вояга етмай она бўлган аёлнинг майиб бўлиб қолишига олиб келади", — бу туман бош акушер-гинекологи З. Назарованинг мақолаларидан олинган парча. — "Ўтган йили 14 нафар вояга етмаган "она" туғди, шундан бештаси жарроҳлик йўли билан туғдириб олинди, 9 тасини эса кўп қон йўқотганидан аранг ҳаётини сақлаб қолдик, демак, улар сурункали камқонликка учраши тайин. Балоғатга етмаган, хасталикка чалинган қизларнинг турмушга чиқишидан туғруқнинг жуда оғир ўтиши, болалар чала ва ўлик туғилиши ҳоллари юз бермоқда, ёш оналарда эса тузатиб бўлмас асоратлар қолмоқда".

Туман поликлиникаси қошида келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш хонаси бор, лекин афсуски, бу хонага мурожаат қилувчиларнинг жуда камлиги кўриниб турибди. Сабаби, ўзбекчилик, ота-боболаримиз тиббий кўриксиз турмуш қилган, ҳеч нарса бўлмайди деган фикрга ёпишиб олишдир.

Наманган вилоят прокуратураси, Норин, Наманган туманлари прокуратуралари, ички ишлар бўлимлари томонидан вояга етмаган қизларни турмушга беришнинг олдини олиш учун иложи борича ҳаракат қилинмоқда, чора-тадбирлар қўлланмоқда. Ота-оналар билан маҳаллаларда, ёшлар билан мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, қонунга хилоф равишда қилинган бу ишларнинг оқибати нима бўлишли ҳақида огоҳлантирилмоқда. Лекин "қиз меники, нима қилсам — ихтиёрим" дегувчи жоҳил кишилар ҳамон учраб турибди. Улар қонун посбонларининг кўзларини шамғалат қилиб, енг учида ёш қизларни турмушга бермоқдалар, натижада келажак авлоднинг мажруҳ ва майиб бўлишига йўл очиб бермоқдалар. Маҳалладаги кексалар, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари ҳам кўп жойларда келишувчилик, юз-хотирга бормоқдалар. Қонунга хилоф иш қилинганлиги ҳақида маълумотлар анча кечикиб, ғишт қолипдан кўчгандан кейин хабар қилинмоқда. Ҳар қайси жойда — маҳаллადами, қишлоқдами, вояга етмаган ёш қизалоқни турмушга беришаётганлигини олдиндан билган маҳалла, қишлоқ фаоллари, ўқитувчилар қонунни ҳимоя қилувчи идоралар билан ҳамжиҳат иш олиб борсалар, қонун бузилишининг вақтида олдини олсалар келажакда мустаҳкам ва соғлом оилалар тузилишига, келажак авлодларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Сир эмаски, қизларни балоғат ёшига етмасдан турмушга чиқариш фақат Наманган вилоятидагина эмас, республикамизнинг бошқа жойларида ҳам бор. Биз мисолни фақат Наманган вилоятининг Наманган туманидан олганимиз шу жойлар билан яқиндан танишганлигимиз туфайли, холос. Ҳукуматимиз "Соғлом авлод учун" орденини бекорга таъсис этмаган. Ватанимизнинг келажаги соғлом авлодлар қўлида бўлиши керак. Соғлом авлодни эса соғлом оналар дунёга келтирадилар. Оналарнинг соғлом бўлиши — уларнинг ҳар томонлама етилиши эканлиги табиий.

**Юнусжон ДАДАБОЕВ,**
**Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Шаҳзодахон ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**журналист.**

# ХОНАНДА ВА ОЛИМ БИЛАН УЧРАШУВ

29 ИЮЛЬ ВА 1 АВГУСТ кунлари Республика Ички ишлар вазирлигида иккита маданий-маърифий учрашув бўлиб ўтди. Вазирлик ходимлари таниқли хонанда, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон халқ артисти Ортиқ Отажонов билан учрашдилар.

Дилкаш мулоқот аввалида О. Отажонов ўзининг санъат йўлидаги илк қадамлари, бу борада унга йўл кўрсатган, санъатнинг машаққатли сўқмоқларидан олиб ўтолган устоз Комилжон Отаниёзов ҳақида, шунингдек, турли мамлакатларга қилган сафар таассуротлари тўғрисида сўзлаб берди. Учрашув иштирокчиларининг бир қанча саволларига жавоб қайтарди. Сўнгра ўзининг дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини шод этди.

Учрашув поёнида республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Ў. Жўраев вазирлик жамоаси номидан меҳмонга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди. Ўз навбатида О. Отажонов ҳам ички ишлар идораларининг барча ходимларига ўзининг самимий тилакларини изҳор этди.

**Ўз мухбиримиз.**

***

ДУШАНБА куни ўтказилган Маърифат дарсида Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Мириноят Мираҳмадович Файзиев иштирок этди.

М. Файзиев Ўзбекистонимиз мустақиллигига минг кун тўлганлигини севинч билан қайд этар экан, шу ўтган давр мобайнида улкан ишлар амалга оширилганлигини эътироф этди. Айниқса, ҳуқуқий давлат сари одимлаётган Ўзбекистонимиз фуқароларининг эркин, саодатли ҳаёт кечиришлари учун 60 дан зиёд қонун хизмат қилаётганлиги жуда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, олим қатор янги қонунларнинг моҳияти хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Республикамиз Президентининг кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари орқали сўзлаган нутқларини илмий нуқтаи назардан талқин этиб, тушунтириб берди. Ходимларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

**Мурод ЭСОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ катта нозири.**

# БОШҚОТИРМА

Азиз муштарий. Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклда рақам ёзилган хонадан марказ томон ёзиш билан бошқотирмани топинг.




1. Шукур Бурхоновнинг Софокл асари асосида ижро этган қаҳрамони. 2. Ўзбекистон халқ шоири, мадҳиямиз муаллифи. 3. Душман устидан ғалаба натижасида қўлга киритилган нарса. 4. Қадрдонлик, дўстлик туйғуси. 5. Пойабзал тури. 6. Ножўя, асоссиз сўзлар маънодоши. 7. Орага низо солишга қаратилган ҳатти-ҳаракат. 8. Жиноят сабабларини текшириш. 9. Санъат тури. 10. Тақиқланган нарсани топиш жараёни. 11. Портловчи модда. 12. Совуқ курол. 13. От-улов анжоми. 14. Мустақил давлатнинг расмий белгиларидан бири. 15. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 16. Мамлакатнинг пул бирлиги. 17. Бокс майдони. 18. Насл-насаб жиҳатдан бир хил бўлган кишилар тоифаси. 19. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи қаҳрамони. 20. Ўзбек маърифатпарвар шоири, "Ҳапалак" ҳажвий асари муаллифи. 21. Жиноят учун кўриладиган чора. 22. Савдо, касб-ҳунар билан шуғулланиш ўчун ижозат ҳужжати. 23. Қаттиқ ғазабланиш ҳолати. 24. Ўткир Ҳошимовнинг "Нур борки, соя бор" романи қаҳрамони.

Жавобларни тўғри топган бўлсангиз шаклни айланаларидаги ҳарфларни соат мили йўналишида ўқинг. Бунда ибратли сўзлардан бири аён бўлади.

**Газетамизнинг 53-54 сонида чоп этилган муаммономанинг жавоблари:**

**Очқич: 1. "Шайтанат". 2. Қўра. 3. Сандиқ. 4. Доғ. 5. Бухоро. 6. Мулк. 7. Ютуқ.**

**Ҳикмат:**

**Кимки тўғри йўлда юрмоқ иши,**
**Арслондан ҳайбатлироқ ул киши.**

## ЭЪЛОН

1994 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 157-мактаб томонидан **Моҳичеҳра Пўлатжоновна БОБОМУҲАМЕДОВА** номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти Калинин туманидаги (ҳозирги Зангиота) З. Зокирова номли 25-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда **Озода Нигмадовна АҲМАДЖОНОВА** номига берилган АУ 291485 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

*МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.*

*Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.*



- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.



**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1060
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

**Обуна рақами — 64615. 39.934 нусхада босилди.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

*«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.*
*Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

1, 2, 3, 4, 5, 6.